# XI. ТОВАРЛАР ВА ХИЗМАТЛАР БОЗОРИ

2018 йилнинг январь-июнида чакана савдо товар айланмаси 2 140,3 млрд. сўмни ёки 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 105,9 фоизни ташкил қилди.

Йирик корхоналарнинг чакана савдо товар айланмаси 127,3 млрд. сўмни ва умумий чакана савдо товар айланмасидаги улуши 6,0 фоизни ташкил қилди.

Кичик корхона ва микрофирмаларнинг чакана савдо товар айланмаси 102,3 фоизга кўпайиб, 417,9 млрд. сўмга етди, умумий чакана савдо товар айланмасидаги улуши эса 19,5 фоизни ташкил қилди.

Умумий товар айланмаси ҳажмида 1 595,1 млрд. сўм якка тартибдаги тадбиркорлар ҳисобига тўғри келди ва ўсиш суръати 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 105,4 фоизга купайди. Жами чакана савдо товар айланмаси ҳажмида ушбу сектор улуши 74,5 фоизга тенг бўлди.

**Чакана савдо товар айланмаси таркиби**
*(2018 йилнинг январь-июнь ҳолатига)*




2018 йилнинг январь-июнда чакана савдо товар айланмаси таркиби давлат ва нодавлат шакллари бўйича қуйидагича ифодаланади.

Давлат мулки 0,3 млрд. сўмни ёки ўтган 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 102,3 фоизни ва умумий чакана савдо товар айланмасидаги улуши 0,02 фоизни ташкил қилди.

Нодавлат мулки 2 140,0 млрд. сўмни ёки ўтган 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 105,9 фоизни ва умумий чакана савдо товар айланмасидаги улуши 99,98 фоизни ташкил қилди.

Чакана савдо товар айланмаси умумий ҳажмининг энг катта улуши Жиззах шаҳри ҳисобига тўғри келди ва 26,1 фоизни ташкил этди, Шароф Рашидов тумани 14,0 фоизни, Зомин 11,5 фоизни ташкил этган бўлса, Янгиобод тумани 1,4 фоиз, Зафаробод тумани 2,8 фоиз ва Арнасой тумани 2,9 фоиз улуш билан энг паст кўрсаткични қайд этди.

## Худудларнинг жами чакана товар айланмасидаги улуши

*(фоиз ҳисобида)*




**январь-июнда чакана савдо товар айланмаси таркиби қуйидагича ифодаланади**

| | *Млрд. сўм* | *2017 йил январь-июнга нисбатан фоиз ҳисобида* | *Умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида* |
|---|---|---|---|
| **Жами** | **2 140,3** | **105,9** | **100,0** |
| *шу жумладан:* | | | |
| йирик корхоналар | 127,3 | 127,0 | 6,0 |
| кичик тадбиркорлик | 2 013,0 | 104,8 | 94,0 |
| шундан уюшмаган савдо товар айланмаси | 1 595,1 | 105,4 | 74,5 |

**Чакана товар айланмаси**

*2018 йилнинг январь-июнида*

*(овқатланиш ташкилотларини қўшган ҳолда)*

| | *Жами* | | *Аҳоли жон бошига* | |
|---|---|---|---|---|
| | *млрд. сўм* | *2017 йил январь-июнга нисбатан фоиз ҳисобида* | *минг сўм* | *2017 йил январь-июнга нисбатан фоиз ҳисобида* |
| **Жиззах вилояти** | **2 140,3** | **105,9** | **1 608,1** | **103,9** |
| *шаҳар:* | | | | |
| Жиззах | 558,1 | 107,0 | 3 238,7 | 105,6 |
| *туманлар:* | | | | |
| Арнасой | 62,1 | 102,9 | 1 388,8 | 101,5 |
| Бахмал | 216,9 | 106,0 | 1 446,2 | 103,9 |
| Ғаллаорол | 189,5 | 105,5 | 1 147,2 | 103,6 |
| Шароф Рашидов | 300,4 | 105,6 | 1 436,1 | 103,0 |
| Дўстлик | 96,3 | 104,5 | 1 518,5 | 102,7 |
| Зомин | 246,7 | 107,3 | 1 569,3 | 115,3 |
| Зарбдор | 82,8 | 105,0 | 1 007,5 | 83,9 |
| Зафаробод | 59,6 | 105,2 | 1 236,7 | 103,5 |
| Мирзачўл | 78,3 | 105,4 | 1 582,6 | 103,0 |
| Пахтакор | 116,3 | 104,9 | 1 616,9 | 103,3 |
| Фориш | 102,9 | 104,5 | 1 144,9 | 102,8 |
| Янгиобод | 30,4 | 102,5 | 1 115,1 | 101,0 |